

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИЯЕВ АВАЗ ИХТИЁРОВИЧ**

**ТИЛДА ИНТЕНСИФИКАЦИЯ/ДЕИНТЕНСИФИКАЦИЯ  
СЕМАНТИКАСИНИНГ ЛИСОНИЙ БИРЛИК ВА ШАКЛ  
ПАРАДИГМАЛАРИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати**

**Фарғона — 2020**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации(Dsc)**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation**

**Зияев Аваз Ихтиёрович**

Тилда интенсификация/деинтенсификация семантикасининг лисоний бирлик ва шакл парадигмаларини ҳосил қилиши.....5

**Зияев Аваз Ихтиёрович**

Образование парадигм языковых единиц и форм на основе семантики интенсификации/деинтенсификации в языке.....35

**Ziyayev Avaz Ikhiyorovich**

Formation of paradigms of linguistic units and forms based on the semantics of intensification/deintensification in language .....67

**Чоп этилган илмий ишлар**

Список опубликованных работ

List of publications.....71

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02**

**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИЯЕВ АВАЗ ИХТИЁРОВИЧ**

**ТИЛДА ИНТЕНСИФИКАЦИЯ/ДЕИНТЕНСИФИКАЦИЯ  
СЕМАНТИКАСИНИНГ ЛИСОНИЙ БИРЛИК ВА ШАКЛ  
ПАРАДИГМАЛАРИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати**

**Фарғона — 2020**

Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/Fil 97 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Хошимов Ганижон Мирзаахмедович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Улуқов Носиржон Мамадалиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Мухаммедова Саодат Худойбердиевна**  
филология фанлари доктори

**Хайруллаев Хуршид Зайниевич**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «11» 09 кuni соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (373) 244-44-02; e-mail: fardu\_info@umail.uz).

Диссертация бйан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (92 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (373) 244-44-02; e-mail: fardu\_info@umail.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «11» 09 кuni тарқатилди.  
(2020 йил «11» 09 даги 14 рақамли реестр баённомаси).



**А. Қосимов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
филол. ф.л., профессор

**И.Хожалиев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
ф. ф.н. доцент

**А. Мамажонов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий семинар раиси,  
филол. ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (Dsc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида лисоний бирлик ва шаклларнинг қай йўсинларда ҳосил бўлганлиги муаммоси қиёсий-тарихий, лингвосомиотик, генератив, трансформацион, деривацион лингвистика каби йўналишларда ўрганилган бўлиб, ушбу муаммонинг тилдаги миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши натижасида янги тил бирликлари ва парадигмаларни шаклланиши масалалари ҳозирги назарий тилшунослик учун муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, тил бирликларидаги миқдор ўзгаришларни сифат ўзгаришларга олиб келишини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунё тилшунослигида интенсификация/деинтенсификация категориясининг семантик, структур, функционал хусусиятлари ҳозирга қадар муайян даражада ёритилган. Мазкур категориянинг онтологик табиати, унинг миқдор ва сифат категориялари билан боғлиқлиги, муайян сифат билан синкрет (қоришик) ҳолатда бўлган миқдорнинг интенсификация/деинтенсификация натижасида даражаланиши, даражали семантик ифода воситалари, интенсификация/деинтенсификация семантик бирликларнинг турли лисоний сатҳларда мавжудлиги ва уларнинг парадигматик, синтагматик, иерархик муносабатлардаги хусусиятлари, интенсификация/деинтенсификация семантикали бирликларнинг майдон ташкил этиши каби масалаларга эътибор қаратилган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб лингвоцентрик тилшунослик бағрида шакллана бошлаган ва ҳозир етакчи мавқега эга бўлган антропоцентрик лингвистика энди ўз диққатини экстралингвистик омиллар (сўзловчи/тингловчи, нутқ шароити каби) нинг тилга муносабати масалаларига қаратади. Натижада интенсификация/деинтенсификация семантик бирликларнинг қай зарурият ва йўсинларда вужудга келганлиги, нима сабабдан шундай кўп сатҳли тизимга эгаллиги, интенсификация/деинтенсификация семантик бирликларнинг қандай коммуникатив эҳтиёжларни қондириши учун яратилганлиги каби масалалар долзарблик касб этмоқда. Ушбу муҳим масалалар интенсификация/деинтенсификация семантикасини воқелантирувчи тил бирликлари ва улар парадигмаларининг қандай йўллар билан ҳосил бўлганлиги муаммолари билан боғлиқ. Мазкур диссертация тадқиқоти ана шу муҳим муаммоларни ҳал этишга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек тилшунослигида объектив ва субъектив оламдаги нарса (ҳодиса) ларнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги диалектик фалсафанинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши қонунияти методологиясидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланилиши асосда лингвистик назариянинг ҳақиқатга мослиги таъминланади. Шу ўринда интенсификация/деинтенсификация

ходисаси ва унинг лисоний хусусиятларини барча миллий тиллар сатҳлари бўйича тадқиқ этиш, бу ходисанинг лисоний бирлик ва шакл парадигмаларини шакллантириш имкониятларини атрофлича ва чуқур билиш нафақат ўзбек, балки, дунё тилшунослиги учун ҳам зарурат касб этмоқда. Диссертация *тилда интенсификация/деинтенсификация семантикасининг* фонетик, морфологик, лексик, синтактик, фразеологик ва текстологик сатҳлар бирликлари ва шакллари парадигмаларини ҳосил қилишининг ўзига хос қонуниятлари асосларини ҳамда мазкур категориянинг умумлисоний табиатини очиқ бериш, шунингдек уни ёндош ходисалардан фарқлашга бағишланган.

Ушбу диссертация доирасида амалга оширилган тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида<sup>1</sup>, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга таълуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Тил назарияси, амалий ва компютер лингвистикаси масалаларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Москва давлат университети, Россия давлат педагогика университети (Россия), илмий тадқиқот институтлари (ИПИ, ИППИ, ВЦ, МГУ) ва Россия Фанлар академияси тилшунослик институтида, йирик IT-компанияларида (АВВҮҮ, Яндекс), The Oxford handbook of computational linguistics, Assosiation for Computational

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил 18 февраль № 28 (6722).

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотларнинг шарҳи [www.edu.uz](http://www.edu.uz); [academia.edu](http://academia.edu); [philology.ru](http://philology.ru); [internauka.ru](http://internauka.ru); [cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru); [doi.org](http://doi.org); [ziyonet.uz](http://ziyonet.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Linguistics (Praga), Cambridge University (Буюк Британия), Oxford University (Англия), Shanghai University (Хитой), Humboldt University (Германия), Chicago University (АҚШ), Tsucuba University (Япония), Москва давлат лингвистика институти, Воронеж давлат университети (Россия) да амалга оширилган.

Тилда интенсификация/деинтенсификация семантикали бирликларга оид тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Oxford University (Англия), Cambridge University (Англия), University of London (Англия), Newcastle University (Англия), Essex University (Англия), University of California (АҚШ), University of Arizona (АҚШ), State University of New York at Stony Brook (АҚШ), University of Toronto (Канада), University of Warsaw (Польша), University of Hamburg (Германия), Москва давлат университети (Россия), Москва давлат лингвистика университети (Россия), Россия фанлар академияси тилшунослик институти (Россия), Санкт-Петербург университети (Россия). Шунингдек, Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти каби олий таълим муассасалари ва илмий марказларида олиб борилмоқда. Шунингдек, интенсификация/деинтенсификация категорияси ва унинг лингвокультурологик хусусиятларига доир муаммолар билан Montclair State University (АҚШ), Centre for General Linguistics, Typology and Universals Research (Англия), Boston University (Англия), Курск давлат университети (Россия), Pennsylvania State University (АҚШ), Москва давлат университети (Россия) кабиларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Когнитив тилшунослик доирасида тил бирликларининг концептуал фоаллашуви ва уларнинг лингвомаданий хусусиятлари тадқиқи билан Cambridge University (Англия), Boston University (Англия), Lancaster University (Англия), George Washington University (АҚШ) Курск Давлат Университети (Россия) каби жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртлири ва илмий тадқиқот марказлари шуғулланишмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Интенсификация/деинтенсификация категорияси муаммосининг айрим масалаларини D. Bolinger, G. Kirchner, S. Greenbaum, В. Charleston, А.В.Кунин, О.Ф. Шевченко, И.Г. Беручашвили, В.А. Мальцев, К.М. Суворина, Е.И. Шейгал, И.И.Туранский-лар инглиз тили материали асосида; А.Н. Полянский, В.П. Мусиенко, В.В. Акуленко, Т.А. Цой, И.А. Кокиналар рус тили материали доирасида; И.И. Сущинский, К.Т. Рсалдиновлар немис тили материалида; Т.Н. Григоренко португал тили доирасида; Л.В. Воробьева, Н.С. Неверова, М.Б. Мецлер, Т.В. Штатская, М.Б. Бондаренколар француз тили асосида; А.Абдуллаев, О.Бозоров, Ш.Орифжонова, Л.Н. Элмуродова кабилар ўзбек тили материали бўйича тадқиқ этишган.

Қиёсий-типологик планда илмий ишлар ҳам мавжуд. Хусусан, А. Хамитова туркий тиллар (ўзбек, уйғур, козок, туркман) да, Ж. Ш. Джумабоева

Ўзбек ва инглиз тили материали, Г.Гаффарова испан ва озарбайжон тиллари, З.М.Зубку француз ва румин тиллари, З.Х.Раимжонов француз ва ўзбек тилларида; Г.П.Леонтьева рус ва чуваш тиллари, Х.Н.Савичева рус ва бошқирд тиллари доирасида И.И.Убин, А.Н.Трошкина, рус ва инглиз тиллари доирасида тадқиқот ишлари олиб борганлар<sup>3</sup>.

В.В.Дегтерова, О.Д.Харченко, А.Ю.Трусова, Л.В.Шиловская, С.Г.Ткаченко кабиларнинг ишлари<sup>4</sup> тил бирликлари маъносини кучсизлантиришга, яъни деинтенсификацияси тадқиқига бағишланган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши

---

3 Bolinger D. Degree words. –The Hague, – Paris. 1972; Kirchner G. Gradadverbien: Restriktiva und Verwandtes im heutigen English. –Halle, 1955; Greenbaum S. Verb-Intensifier Collocations in English: An Experimental Approach. – The Hague –Paris, 1970; Charleston B. Studies on the Emotional and Affective Means of Expression in Modern English. – Bern, 1960; Кунин А.В. Фразеологические интенсификаторы в современном английском языке // Иностраные языки в школе. – М., 1966. – №1; Шевченко О. Ф. Именные сочетания-интенсификаторы качественного признака (на материале современного английского языка): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Киев, 1978; Беручапвили И.Г. Системные и речевые интенсификаторы в современном английском языке. – Тбилиси: 1986; Мальцев В. Английские эмоционально-усилительные наречия: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Л., 1964; Суворина К.М. Интенсивы в современном английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М.: 1976; Шейгал Е.И. Интенсивность как компонент семантики слова в современном английском языке: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – М.: 1981; Туранский И.И. Содержание и выражение интенсивности в английском языке. – Н.Новгород: 1992; Полянский А.Н. Категория интенсивности признака в русском языке: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Л.: 1978; Мусиенко В.П. Категория интенсивности в структуре русского глагола: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Киев, 1989; Акуленко В.В. Типология прилагательных русского языка, выражающих интенсивность признака // Русское языкознание. – Киев, 1987. – Вып. 14; Цой Т.А. Способы выражения интенсивности действия в современном русском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1989; Кокина И. А. Языковые средства выражения семантики интенсивности в произведениях А.П. Чехова о детях и для детей: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ростовна-Дону: 2001; Рсалтдинов К.Т. Категория интенсивности признака в современном немецком языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1980; Григоренко Т.В. Способы интенсификации в португальском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1987; Воробьева Л.В. Средства выражения интенсивности признака, обозначенного именем прилагательным, в современном французском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Киев: 1968; Неверова В.С. Категория интенсивности качественной характеристики в современном французском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Н.Новгород: 1997; Медлер М.Б. Способы выражения интенсивности действия в современном французском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М.: 1974; Штатская Т.В. Интенсификация глагольного действия в современном французском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М.:1991; Абдуллаев А. Ҳозирги замон ўзбек тилида маъно кучайтиришнинг фонетик ва морфологик усули: Филол. фанл. номз. дис. ... автореф. –Тошкент, 1970; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол.фанл. д-ри. дис. ... автореф. – Тошкент. 1997; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида лугавий градуономия: Филол.фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент. 1996; Элмуродова Л. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони): Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Хамитова А. Превосходная и преувеличительная степени имен прилагательных в тюрских языках: Автореф. дис. ... канд. филол. – наук. – Ташкент. 1969; Джумабоева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуономия. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017; Гаффарова Г. Синтаксические способы эмоциональной интенсификации испанского и азербайджанского языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1997; Раимжонов З.Х. Француз ва ўзбек тилларида интенсивлик категориясининг чоғиштирма тадқиқи: Филол. фан. бўйича фанс. д-ри (PhD) дис. ... автореф. –Тошкент, 2019; Убин И. И. Лексические средства выражения интенсивности (на материале русского и английского языков): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1974; Трошкина А.Н. Номинативный аспект категории интенсивности действия в разноструктурных языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2001;

<sup>4</sup> Дегтерова В.В. Шкала оценки неопределенного количества признака и факторы, определяющие сочетаемость ее операторов (на примере словосочетаний наречий и прилагательными обозначающими эмоции) : Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 1996; Харченко О.Д. Деинтенсификация оценочных конструкций в современном английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ярославль, 2002; Трусова Ю.А. Средства снижения категоричности в современном английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2003; Шиловская Л.В. Средства выражения ослабленной интенсивности действия и состояния в современном французском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2007; Ткаченко С.Г. Показатели низкой степени признака в толькованиях английских фразеологических единиц с градуальной семантикой // Гуманитарный вектор. 2017. Т.12. № 2. – С. 58-63.



Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Тилни система сифатида тадқиқ этиш» йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳозирги замон тилшунослигидаги интенсификация/деинтенсификация категорияси билан боғлиқ умумлисоний муаммоларни аниқлаш, тилдаги миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши натижасида интенсификация/деинтенсификация семантик бирликлар парадигмаларининг ҳосил бўлишини назарий ва амалий асосларини ҳамда улардаги лисоний коднинг намоён бўлиш хусусиятларини илмий далиллашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Қўйилган мақсад билан боғлиқ равишда куйидаги вазифалар белгиланди:

интенсификация/деинтенсификация категориясининг умумлисоний табиатини очиб бериш ҳамда уни даражаланиш, градация, деградация каби ёндош ҳодисалардан фарқлаш;

фонетик сатҳ бирликларининг интенсификация/деинтенсификацияни шакллантирувчи акустик, физиологик асосларни аниқлаш;

чўзиқлик-қискалик, қаттиқлик-юмшоқлик, баландлик-пастлик, кучлилик-кучсизлик каби акустик оппозицияларнинг фонема турлари бўлган монофтонг, дифтонг, трифтонг каби фонологик бирликларнинг шаклланганлигини интенсификация/деинтенсификациясининг ички когнитив механизмлари ва нутқий вариантлар асосида юзага келишини очиб бериш;

луғавий сатҳ бирликлари (лексема, фразема)даги интенсификация/деинтенсификация семантикасининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш, интенсификация/деинтенсификация семантикасини воқелантирувчи луғавий бирликлар миқдорини аниқлаш, фразеологик бирликлар, белгилар, интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида шаклланувчи градуал лексемалар, фраземалар ва уларнинг парадигмаларини белгилаш, лексик-грамматик гуруҳ (сўз туркумлари) да шаклланаётган градуал синонимия ва антонимиянинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

морфологик сатҳда намоён бўлувчи сўз шаклларида, морфемаларда интенсификация/деинтенсификация семантикасининг ўзига хос воқелантирилишини очиб бериш, ушбу семантикани воқелантирувчи сифат ва равиш даражаларига оид бахсларга муносабат билдирилиб, уларнинг даражалари назариясини мукамалтириш;

интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида синтактик мазмун ва ифодага хос бўлган ажратилган бўлак, ундалма, содда гапларнинг эмоционал турлари, период ва матн кабиларнинг ўзига хос шаклланишини кўрсатиш, интенсификация/деинтенсификация семантикаси заминида гапнинг

тема-рематик вариантлари ҳосил бўлиши, кўшма гапларнинг нейтрал (меъёрдаги) ва экспрессив вариантлари вужудга келишини ёритиб бериш ва ҳ.к.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тиллардаги интенсификация/деинтенсификация категориясини воқелантирувчи сатҳлараро вербал бирликлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек (эталон) ва айрим тиллардаги интенсификация/деинтенсификация категориясини воқелантирувчи сатҳлараро бирликларнинг семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг олдида кўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ишда тавсифий, қиёсий, компонент таҳлил, трансформацион, систем-структур таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Ишнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

интенсификация/деинтенсификация категорияси асосида тил бирликлари семантикасининг кучайиши/сусайиши ёки озайиши/кўпайиши каби муҳим ўзгаришлари, сифат, миқдор, меъёр, ўзгарувчанлик категориялари аниқланган;

диалектиканинг объектив ва субъектив оламдаги нарса-ҳодисаларнинг пайдо бўлишига оид миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши умумқонуниятининг тилдаги амали асосида лисон (тил) да ҳам шу қонун асосида янги фонетик, лексик-семантик, морфемик тил бирликлари ва товуш, кўшимча, сўз шаклларнинг ҳосил бўлиши асосланган;

фонетик-фонологик сатҳ бирликлари бўлган монофтонг, дифтонг, трифтонг каби фонологик бирликларнинг интенсификация/деинтенсификация натижасида ҳосил бўлганлиги изоҳланган ҳамда сегмент бирлик ҳисобланувчи бўғиннинг интенсификация/деинтенсификация ҳодисаси эҳтиёжи асосида шаклланганлиги, суперсегмент бирлик бўлган интонация ва унинг пауза, темп, тембр, тон, урғу, мелодика каби компонентларининг қўлланиши турли-туман интенсификация/деинтенсификация семантикалари асосида амалга оширилиши исботланган;

луғавий сатҳ бирликлари бўлган лексема, шунингдек фраземаларнинг шаклланиши, уларнинг парадигмалар ташкил этиши интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида юз бериши аниқланиб, даражаланувчи лексик ва фразеологик семалар асосида градуал антоним ва синонимларнинг шаклланиши исботланган;

морфологик сатҳда интенсификация/деинтенсификация категориясининг воқеланиши кўриб чиқилиб, ташқи интенсификаторларнинг сўз шакллари ҳосил қилиши, отларнинг сон, кичрайтириш, суюш-эркалаш, ўхшатиш, чегара сифатларнинг даража, соннинг жамловчи, феълнинг модал (давомли-давомсизлик), нисбат шаклларида ўзига хос тарзда намоён бўлиши аниқланган;

сўз бирикмаси, гап ва матнларнинг ҳам шакл (ифода), ҳам мазмун кўламларига интенсификация/деинтенсификация ҳодисасининг дахлдорлиги ва хослиги аниқланган, интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида таъкид конструкциялари, гапнинг мазмун ва эмоционал турлари, кўшма гапнинг экспрессив турлари, кириш, киритма ва ажратилган бўлаклари, гапнинг коммуникатив (тема-рематик) вариантлари, ундалма, период ва матннинг шаклланиши аниқланган, синтактик сатҳда интенсификация/деинтенсификация семантикасини воқелантирувчи тил бирликларининг асосий семантик, стилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари ва ўзига хос бетакрор функциялари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

интенсификация/деинтенсификация категориясининг лисоний табиати атрофлича ва чуқур ўрганилиб, мазкур категориянинг аслида диалектиканинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши қонунининг тилдаги амали эканлиги исботланган;

интенсификация/деинтенсификация категориясининг унга ёндош бўлган категориялардан фарқи очиб берилган;

интенсификация/деинтенсификация семантикаси етакчилигида фонемалар шаклланганлиги исботланган, суперсегмент бирликларнинг интенсификация/деинтенсификация семантикасига эгалиги, уларнинг шу асосда кўлланиши кўрсатилган, суперсегмент бирликларнинг фонетик-фонологик ва коммуникатив функциялари изоҳланган;

лексема ва фраземаларнинг интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида шаклланиб, градуал антонимлар ва градуал синонимлар парадигмасини ташкил этиши ёритилган, интенсификация/деинтенсификация (даражаланиш) нинг асосини ташкил этувчи лексик, фразеологик бирликларга хос сема турлари аниқланиб, сўз ясалишининг интенсификация/деинтенсификация (семантик даражаланиш) усули ҳам мавжудлиги аниқланган;

интенсификация/деинтенсификация семантикасини воқелантирувчи морфологик вербализаторлар ёрдамида ҳосил қилинган бир қатор парадигмалар тадқиқ этилган, анъанавий сифат даражалари категориясининг мазмуни янги тушунчалар билан бойитилган;

синтактик сатҳ бирликлари (сўз бирикмаси, содда гап, ундалма, ажратилган бўлак, кўшма гап, период, матн) нинг интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида шаклланиш қонуниятлари аниқланган;

лингвокультурологик бирликлар семантикасига ҳам интенсификация ва деинтенсификация семалари хослиги аниқланиб, бу семалар асосида луғавий парадигмаларнинг ҳосил қилиниши ёритилган;

диссертацияда интенсификация/деинтенсификация категориясининг суперкатегория – умумлисоний ходиса эканлиги, унинг тадқиқ этилиш

методикаси бўлғуси тадқиқотлар учун методология бўлиб хизмат қилиши кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда амалга оширилган ёндашув ва қўлланилган методлар, назарий маълумотларнинг расмий манба (нашр) лардан олинганлиги, ўзбек ва инглиз тилларидаги изоҳли луғатлар<sup>5</sup>, ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати<sup>6</sup>, ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати<sup>7</sup> ҳамда ўзбек тили фразеологизмларининг изоҳли луғати<sup>8</sup>, илмий ҳамда бадиий адабиётлардан фойдаланилганлиги, натижаларнинг ишончли методлар воситасида олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, қўлга киритилган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интенсификация/деинтенсификация категориясининг умумий назарияси янада бойитилганлиги, диалектиканинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларга айланиши қонуни методологияси асосида янги лисоний бирлик ва шакл парадигмалари ҳосил бўлиши тарзининг аниқланганлиги ва бунинг хусусий (миллий) тадқиқотчилари учун методологик аҳамиятга эгаллиги, фонология, лексикология ва фразеология, морфология ва синтаксис таълимотига интенсификация/деинтенсификация семантикалик бирликлар назариясининг қўшилганлиги, тил фалсафаси муаммоларига жиддий эътибор берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот илмий натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишнинг материаллари ва хулосаларидан тил назарияси (умумий тилшунослик), киёсий тилшунослик, стилистика каби фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма, монографиялар яратишда зарурий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Тилда интенсификация/деинтенсификация семантикасининг лисоний бирлик ва шакл парадигмаларини ҳосил қилиши тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари асосида:

деривацион қонуниятларга муносабат билдиришда тадқиқотчининг интенсификация/деинтенсификация семантикасининг морфологик ва синтактик сатҳ бирликлари парадигмаларининг шакллантириши борасидаги назарий

---

<sup>5</sup> Macmillan English Dictionary for Advanced Learners. Second Edition. – Macmillan Publishers Limited, 2007. - 1748 p; Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English. Hombly. A.S. - 11 edition. Oxford University Press, 1987. - 1035 p.; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2006. I жилд. – 680 б; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2006. II жилд. – 492 б; Ўзбек тилининг изоҳли луғати.–Тошкент: ЎМЭ, 2006. III жилд. – 688 б; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2008. IV жилд. – 608 б; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2008. V жилд. – 592 б.

<sup>6</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

<sup>7</sup> Раҳматуллаёв Ш. Маматов Н. Шуқуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974.–231 б.

<sup>8</sup> Раҳматуллаёв Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 405 б

хулосалари ва диссертациянинг таҳлил натижаларидан Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2007-2011 йилларда бажарилган ОТ- Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (05.02.2020 йил, 154/30.02.01-сонли маълумотнома). Натижада тил ривожланишининг деривацион қонуният-ларини аниқлашнинг миллий стереотипларини белгилаш ва деривацион қолипларини ишлаб чиқиш имконияти юзага келган;

Интенсификация/деинтенсификация семантикасининг градуал антонимлар парадигмаларини шакллантиришига оид назарий хулосаларидан ОТ-Ф 1-100 рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” номли фундаментал лойиҳа доирасида “Баркамол авлодни тарбиялаш – давр талаби” номли ўқув-услубий кўрсатмасини тайёрлаш ва чоп этишда фойдаланилган (Фарғона давлат университетининг 22.01.2020 йил 01-196 сонли маълумотномаси). Натижада мазкур хулосалар лойиҳа доирасида яратилган ўқув-услубий кўрсатманинг такомиллаштирилишига хизмат қилган.

Интенсификация/деинтенсификация семантикасининг градуал синонимлар ва фраземалар парадигмаларини шакллантиришига оид назарий хулосалардан 574097-EPP-1-2016-1-CY-eppka2-SBHE-JP RUECVET: “Пилотирование профессионального образования и обучения России и Узбекистана” номли Евроиттифоқ проекти асосидаги Эрасмус+фундаментал лойиҳада касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей ўқитувчилари учун ташкилланган малака ошириш курсларини ўтказишда, дастурлар тузишда ҳамда қўлланмалар тайёрлашда кенг фойдаланилган (11 ноябрь 2019 йил 1020 маълумотномаси). Натижада малака ошириш курсларини самарадорлигини оширишда, мавжуд дастурларни такомиллаштиришда ҳамда қўлланмаларнинг мукамаллашувига эришилган.

Диссертация натижаларидан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил давомида эфирга узатилган “Маънавият сарчашмаси”, “Адабий муҳит”, “Қадрият” кўрсатувлари, шунингдек, “Маънавият-қалб кўзгуси” радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (04.02. 2020 йил 69 - сонли маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувлар маънавий-маърифий ҳамда миллий ўзига хослиги жиҳатдан бойиган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуман ва 5 та халқаро конференцияда маъруза шаклида баён этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола,

жумладан, 11 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган илмий, бадиий адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми фойдаланилган адабиётлар руйхати билан биргаликда 266 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилиниши, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби *“Тилшуносликда интенсификация/деинтенсификация категориясининг назарий масалалари ва долзарб муаммолари”* деб номланиб, унда интенсификация/деинтенсификация категориясининг семантикаси ва структураси ҳақидаги қарашлар, мазкур категориянинг лингвоцентрик ва антропоцентрик муаммолари ҳамда унинг ёндош ҳодисаларга муносабати масалаларига эътибор қаратилган, унга оид назарий қарашларга танқидий ёндашилиб, уларнинг ютуқ-камчиликлари кўрсатилган.

Тилшуносликда интенсификация/деинтенсификация категориясининг семантикаси ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд. Хусусан, И.А. Бодуэн де Куртенэ лисоний интенсивлик категориясининг математик миқдор ҳодисасига алоқадорлиги ва унинг физик (моддий) дунёнинг бир қисми (хусусияти) эканлигини эътироф этади<sup>9</sup>, лекин у ўзининг логик-семантик қарашини лингвистик аспектда давом эттирмайди. Е.И.Шейгалнинг фикрича, интенсивлик миқдор категорияси намоён бўлишининг хусусий ҳолатидир<sup>10</sup>.

Бу ўринда шуни айтишимиз керакки, миқдор категорияси ўзининг асосий ёки соф ифодасини сон сўз туркумида топган бўлиб, унинг (миқдор категориясининг) хусусий ҳолатлари тилда просодикадан матнга қадар бўлган бирликларда бошқа белги (хусусият) лар билан қоришиқ (синкрет) ифодаланишга эгалиги, интенсификация/деинтенсификация категориясини ана шу микротизимнинг бир қисмини ташкил этади.

С.Е.Родионова ва И.А.Кокинанинг фикрларича, интенсивлик категорияси сифат ва миқдор орасидаги ҳодиса бўлиб, барча ўзгаришлар бир сифат

<sup>9</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Количественность в языковом мышлении // Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. – М, 2003. – Т.2. – С. 86-89.

<sup>10</sup> Шейгал Е.И. Интенсивность как компонент семантики слова в современном английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М.: 1981. – С. 4 - 16.

доирасида содир бўлади. Иккинчи томондан, бир ходиса (сифат) асосидаги ўзгариш иккинчи ходиса (сифат) ни келтириб чиқариши мумкин<sup>11</sup>.

Бизнингча, интенсификация/деинтенсификация категориясига сифат ва миқдор орасидаги оралик ёки сифатга миқдорий баҳо берувчи ходиса эмас, балки бир сифат таркибида турли миқдорий шаклларни юзага келтирувчи ва эски сифатдан янги сифатни шакллантирувчи категория деб баҳо бериш тўғрироқдир.

Ш. Балли интенсивликни ўлчов, миқдор, куч, кадр-қиммат кабилар билан боғлиқ ходиса эканлиги таъкидлайди<sup>12</sup>. Кўриниб турибдики, Ш. Балли бу ўринда интенсификация/деинтенсификация категориясининг аниқланиш воситаси (ўлчов) ва бу ходиса вокеланадиган айрим объект (куч, кадр-қиммат) ни қайд этмоқда, холос.

А.Н.Полянский “Интенсивлик категорияси ўз мазмуний тузилишини белги, сифат, миқдор ва даража каби категориялар мазмунларининг ўзаро боғланишидан ташкил топишини эътироф этади<sup>13</sup>. Бу фикрга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, интенсификация/деинтенсификация ходисасининг асосини белги (хусусият) ташкил этади: белги ўзининг муайян миқдорига эга бўлади, миқдор ўзгаради, ўзгариш тил эгаси томонидан ўлчанади, меъёрдан ўтиб кетган ўзгариш янги сифат (янги нарса, ходисани) ҳосил қилади.

Кўп тилшунослар интенсификация/деинтенсификация категорияси семантикаси табиатига эътибор беришиб, уни ономаσιологик категория ҳисоблайдилар. Хусусан, А.Абдуллаевнинг эътироф этишича, “Маънони кучайтириш табиат, жамият тафаккуридаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Ана шу ўзгаришлар, яъни хусусиятлар, ҳаракатларнинг бир ҳолатдан иккинчисига ўтиши, белгиларнинг меъёрдан ортик/камлик томон бориши, бир турнинг иккинчи турга айланиши каби объектив ва субъектив жараёнлар билан боғлиқки, одам бу ўзгариш (ортиш, камайиш, тезлаш, секинлаш) ларга дуч келади ва уларни ўз онгида ҳамда тилида акс эттиради<sup>14</sup>.

И.И.Туранский ҳам интенсификация/деинтенсификация категорияси семантикасининг объектив борлиқ билан боғлиқлигини эътироф этади<sup>15</sup>.

Тилшуносликда интенсификация/деинтенсификация категориясининг ономаσιологик табиати ҳақида умумий тасаввур мавжуд бўлса ҳам, ҳозирга

<sup>11</sup> Родионова С.Е. Интенсивность и её место в ряду других семантических категорий/ С.Е. Родионова// Славянский вестник. Вып. 2. – М.: МАКС-Пресс, 2004. – С. 301 – 311; Кокина И. А. Языковые средства выражения семантики интенсивности в произведениях А.П. Чехова о детях и для детей. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону: 2001. – С. 11 - 16.

<sup>12</sup> Балли Ш. Французская стилистика//Ш. Балли. -М., 1961. с. 132-138.

<sup>13</sup> Полянский А.Н. Категория интенсивности признака в русском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л.: 1978. – С. 5 - 12.

<sup>14</sup> Абдуллаев А. Ўзбек тилида сўз маъносини кучайтиришнинг фонетик ва морфологик усуллари.: Номз. дисс. – Тошкент, 1970. – Б. 16.

<sup>15</sup> Туранский И.И. Семантическая категория интенсивности в английском языке. – М.: Высшая школа, 1990. – С. 3 - 7.

кадар мазкур категориянинг ономасиологик тадқиқи амалга оширилмаган. Бу турдаги тадқиқот объектив борлиқ предмети → образ → тушунча → маъно йўналишида олиб борилиши лозим. З.Раимжонов ўз ишида интенсивлик семантикасига объективлик (нейтрал) ва аффективликнинг (нейтрал+эмоция) хошлиги ҳақида фикр билдиради<sup>16</sup>. Бунда шуни унутмаслик керакки, ҳис-туйғу нафақат коннотатив маъно, балки мустақил ҳодиса (ундов сўзларда) интенсификация/деинтенсификациясида учраши мумкин.

Хуллас, интенсификация/деинтенсификация категориясининг мазмун-мундарижасини тил бирликларига хос бўлган белги (хусусият), унинг меъёр, меъёрдан ортиқ ва кам даражалари, муайян сифат кабилар ташкил этади.

Интенсификация/деинтенсификация категорияси ўз структура (тузилиши) га эга бўлиб, бу ҳақда ҳар хил фикрлар баён қилинган. Хусусан, И.И.Туранский интенсификация/деинтенсификация категориясининг структурасини белгининг энг паст даражасидан энг юқори даражаси томон йўналган ўқ (шкала) сифатида тасаввур этади<sup>17</sup>.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бизнингча, интенсификация/деинтенсификация категориясининг шкала асосидаги йўналиши тўрт кўринишга эга: а) белгининг энг паст даражасидан энг юқори даражаси томон йўналиш: (елвизак → шабада → шамол → бўрон); б) белгининг энг юқори даражасидан энг паст даражасигача бўлган йўналиш: (бўрон → шамол → шабада → елвизак); в) меъёрдан ортиқ ва камлик томон бўлган йўналишлар: (қизғиш ← қизил → тўқ қизил); г) айланувчан (циркуляр) йўналиш: (баҳор → ёз → куз → қиш → баҳор → ...), яъни баҳорнинг ёзга, ёзнинг кузга, кузнинг қишга, қишнинг баҳорга, ва яна баҳорнинг ёзга айланиб бориши каби.

И.И.Туранский бу ўринда турли тадқиқотчилар томонидан интенсификация/деинтенсификация шкаласининг ўлчовлари учун қўллаган *ординар, субординар, суперординар, элатив, суперлатив, эмфасайзер, эмплифайер, даунтонер, оддий, қиёсий, орттирма* каби атамалар ва улар ифодалаган тушунчаларга ўз мунсабатини кўрсатиб ўтади.

Тадқиқотда интенсификация/деинтенсификация категориясининг метатили (терминлар тизими) ҳақида фикрлар баён қилинган. Унда интенсификация/деинтенсификация категориясига оид мавжуд миллий, байналмилал атамалар, улар орасидаги дублетлик, синонимлик муносабатлари,

---

<sup>16</sup> Раимжонов З.Х. Француз ва ўзбек тилларида интенсивлик категориясининг чоғиштирма тадқиқи: Филол.фан. бўйича (Ph.D) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2019. – Б.11 - 19.

<sup>17</sup> Туранский И.И. Содержание и выражение интенсивности в английском языке: Автореф. дисс. ... доктора филол. наук. – Нижний Новгород: 1992. – С. 24.



уларни унификация қилиш (тартибга солиш, бир хиллаштириш) масалалари кўриб чиқилади. Тадқиқотчи ушбу ўринда ўзи томонидан кенг маънода қўллаётган интенсификация/деинтенсификация атамасинининг мазмун-мундарижасини изоҳлайди. Бунга кўра, “интенсификация/деинтенсификация” термини бу тадқиқотда кенг, яъни ўзида белгининг озайиши, кўпайиши билан боғлиқ бўлган *кучайиш/сусайиш, чўзилиш-қисқариш, баландлаш-пастлаш, тезлаш-секинлаш, қаттиқланиш-юмшоқланиш, торайиш-кенгайиш* каби тушунчаларни ўз ичига қамраб олади.

Тадқиқотчи ушбу ўринда интенсификация/деинтенсификация семантикасини ўз ичига олган турли сатҳ бирликлари учун фоноинтенсема/фонодеинтенсема, морфоинтенсема/морфодейнтенсема, лексоинтенсема/лексодеинтенсема каби атамаларни келгуси тадқиқотлар учун тавсия этади.

Тадқиқотда интенсификация/деинтенсификация категориясининг унга ёндош бўлган ҳодисаларга муносабати кўриб чиқилган.

Интенсификация/деинтенсификация категорияси, бир томондан, объектив категориялар: сифат, миқдор, меъёр, иккинчи томондан, субъектив-прагматик категориялар ҳисобланувчи экспрессивлик, эмоционаллик, баҳолаш, образлилик, таъкидлаш каби ҳодисалар билан боғлиқ.

Тадқиқотчи бу ўринда Галькина-Федорук, И.В.Арнольд, И.Туранский, С.Родионова, Н.Лукьянова, С.Кадысева каби тилшуносларнинг бу масалага оид қарашларини танқидий ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келади:

а) эмоционаллик, бир томондан, ҳис-туйғу сифатида психик ҳодиса, иккинчи томондан, эмоция кучайиш/кучсизланиш хусусиятига эга. Ҳис-туйғу интенсификация/деинтенсификацияси эмоционал гап ва унинг вариантларини ҳосил қилади;

б) образлилик рамзийлик бўлиб, интенсификация/деинтенсификациянинг юқори даражасига эга;

в) баҳолаш интенсификация/деинтенсификация даражаларининг мазмуний асосини ташкил этади;

г) таъкидлаш лисоний ифодага алоқадор бўлиб, интенсификация/деинтенсификация асосида шаклланади;

д) экспрессивлик (таъсирчанлик) эмоционаллик, образлилик, баҳолаш, таъкидлаш асосида шаклланади ва ўзида интенсификация/деинтенсификация даражаларини намоён қилади.

Тадқиқотда интенсификация/деинтенсификация категориясининг ҳозирги даврда мавжуд бўлган лингвоцентрик ва антропоцентрик лингвистика йўналишидаги муаммолари кўриб чиқилган. Унда формал мантиқнинг учинчиси истисно қонуни методологиясига асосланган, аналитик усул етакчи бўлган анъанавий, шунингдек, диалектик мантиқнинг оралик учинчи қонуни

методологияси асосида иш кўрган систем-структур тилшуносликнинг ўзига хос жиҳатлари ва уларда интенсификация/деинтенсификация категориясининг ўрганилиш хусусиятлари ҳақида гап боради. Тилни унга ёндош бўлган экстралингвистик ҳодисалар билан узвий боғлиқликда тадқиқ этувчи антропоцентрик лингвистика томонидан интенсификация/деинтенсификация категориясининг қандай ўрганилиши хусусида фикр юритилади. Интенсификация/деинтенсификация категориясининг лингвоцентрик (анъанавий ва систем-структур тилшунослик) ва лингвокогнитив (антропоцентрик) муаммолари аниқланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “*Интенсификация/деинтенсификация семантикасининг фонологик/фонетик сатҳ бирликлари ва уларнинг парадигмаларини шакллантириши*” деб номланган. Унда интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида фонемалар парадигмаларини шаклланиши, фонемаларнинг нутқда интенсификация/деинтенсификация асосида ҳосил бўлган фонетик вариантлар орқали коннотатив маънолар ифодаланиши, интенсификация/деинтенсификация семантикасининг суперсегмент бирликларни шакллантириши масалалари кўриб чиқилади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, артикуляцион ва акустик белгилар миқдорининг тадрижий ўзгаришлари асосида тилда маъно фарқлаш қийматига эга бўлган фонема (монофтонг, дифтонг, трифтонг) ҳосил бўлади. Масалан, биз, ўзбек тили эгалари лабларимизни ясилантириб (икки четга тортиб) тор очиб И унлисини ҳосил қиламиз. Шундан сўнг И унлиси талаффуз этилиши торлигини янада кенгайтирилиб, ўрта кенг ҳолатга ўтказсак – Э товуши вужудга келади. Ундан сўнг Э талаффуз қилинган ўрта кенг ҳолатдан кенг ҳолатга ўтилса А товуши ҳосил бўлади: И → Э → А;

Биз лабларимизни олдинга йўналтириб, думалоқ ҳолатга келтириб оча бошласак (торликдан кенгликка ўта бошласак) яна бошқа турдаги уч унли ҳосил бўла бошлайди: тор очсак - У, ўрта кенг очсак – Ў, кенг очсак – О ҳосил бўлади. Шу асосда уч аъзоли У → Ў → О унлилар парадигмаси пайдо бўлади.

Жаҳон тиллари тор - ўрта кенг – кенг артикуляцион ҳудудларда турли миқдордаги фонемаларни ҳосил қилган. Масалан, ўзбек тилида кенг ҳудудда биргина А фонемаси ҳосил қилинган бўлса, худди шу ҳудудда инглиз тилида 4 та унли фонема вужудга келтирилган: [a:, ə, ʌ, æ] ва ҳоказо. Турли тилларда нутқ товушининг қисқалик-чўзиқлик интенсификацияси асосида фонемалар ҳосил қилинган. Туркман тилидаги меъёрий талаффуздаги А ва унинг чўзиқ ҳолати фонологик (маъно фарқлаш) мақомига эга: *am* (исм) - *aaam* (хайвон). Шунингдек, немис тилида: *stadt* (шаҳар) - *staat* (давлат); чех тилида: *passport* (паспорт, хужжат) – *paspoort* (белбоғ); ўзбек тилида: *ма* (бирор нарсани олишга ундовчи сўз) (Ма, буни ол!) – *Мааа* (қўй товушига таклид сўз); инглиз тилида: *it* – у (олмош) – *eat* [i:t] – емоқ, *duck* [d ʌk]- ўрдак – *dark* [da:k] -

коронғи, *sit* [sit] – ўтирмақ – *seat* [si:t] – ўрин ва ҳоказо.

Қаттиқ-юмшоқлик белгиси асосида фонемалар ҳосил қилинган. Ўзбек тилида нутқ товушларининг қаттиқлик-юмшоқлик белгиси фонемалар эмас, балки фонетик вариантлар шакллантиради. Рус тилида қаттиқлик ва юмшоқлик белгилари маъно фарқлашга хизмат қилувчи фонемалар ҳосил қилади: *быть* (ҳозир бўлмақ) – *бить* (урмоқ), *молоть* (янчмоқ) — *молот* (болға), *конь* (от) – *кон* (ўйин тури) *каби*.

Нутқ товушининг кучли-кучсизлик белгилари асосида айрим тилларда фонемалар шаклланган. Масалан, корейс тилида: *Tal* (ой) – *t:al* (қиз); *sal* (ўқ) – *s:al* (гуруч) *каби*.

Икки ёки уч нутқ товуши ўзларининг кучли-кучсизлик, чўзиқ-қисқалик белгилари асосида фонема мақомидаги дифтонг ва трифтонгларни ҳосил қилади. Хусусан, инглиз тилидаги дифтонглар икки товушнинг кучли-кучсиз белгилари асосидаги бирикиши натижасида шаклланган: [e] товушининг кучли ва [i] товушининг кучсиз айтилиб қўшилишидан [ei] дифтонги ҳосил бўлган: *make* [meik], *take* [teik];

[a] товушининг кучли [u] товушининг кучсиз айтилиши бирлаштирилиб, [au] дифтонги шакллантирилган: *town* [taun], *found* [faund];

[a] товуши кучли, [i] товуш кучсиз айтилиши бирикишидан [ai] дифтонги юзага келган: *mine* [main], *my* [mai] *каби*. Шунингдек, инглиз тилида унлиларнинг кучли-кучсиз, чўзиқ-қисқа белги асосида трифтонглар шаклланган.

Кучли [a] товуши, кучсиз [i] товуши, улардан ҳам кучсизроқ [ə] товушини қўшилишидан [aiə] трифтонги ҳосил бўлган: *tyre* [taiə], *fire* [faiə];

[a] товушининг кучли [u] товушининг чўзиқ, [ə] товушининг қисқа, кучсиз талаффузи бирикишидан [auə] трифтонги ҳосил бўлган: *our* [auə], *power* [rauə].

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бирламчи сегмент бирлик (фонема) лардан ташкил топган иккиламчи сегмент бирлик ҳисобланувчи бўғиннинг шаклланиши ва нутқдаги қўлланишида интенсификация/деинтенсификация ҳодисаси етакчи роль ўйнайди. Табиийки, бўғин ҳосил бўлишида унли ва ундошларнинг чўзиқ-қисқалик, баландлик-пастлик, кучлилиқ-кучсизлик *каби* акустик хусусиятлардан фойдаланилди.

Фонетик адабиётларда бўғин ҳосил бўлишининг уч асоси, яъни нафас олиш-чиқариш, мускул таранглашиши ва овознинг кам-кўплиги (унли ва ундош товушлар бирлаштирилиши) кўрсатилади. Эътибор берилса, нафас олиш-чиқариш ўпканинг ҳаво қабул қилиш ҳажми даражасига, мускулнинг таранглашиши мускул ҳаракатларининг суст-қаттиқлигига, кам овозлилиқ-кўп овозлилиги эса бўғинда иштирок этувчи овозли (унли, сонор, жарангли ундошлар) ва овозсиз (жарангсиз ундошлар) товушларнинг оз-кўплигига боғлиқки, буларнинг барчаси фонетик ҳодиса бўлган бўғиннинг интенсификация/деинтенсификация (озлик-

кўплик, сустлик-қаттиқлик каби) асосида шаклланишини англатади. Унли товушлар бўғиннинг кучли айтилишини таъминлайди.

Лексема таркибидаги фонема ёки нутқдаги сўзнинг товушлари сегментлик яъни бўлинувчанлик, ажралувчанлик, нисбий мустақилликка эга бўлганлини учун ҳар бир нутқ товуши чўзиқлик-қисқалик, баландлаш-пастлаш каби интенсификация/деинтенсификация хусусиятларига эга. Ҳар бир тилдаги фонемалар ўзларининг нутқдаги интенсификация/деинтенсификация вариантлари асосида кўшимча (коннотатив) маънолар ифодалашга хосланган. Бу ҳодиса ўзбек тили мисолида А.Абдуллаев, Г. Яхшиева, С.Каримов каби тадқиқотчилар томонидан муайян даражада ўрганилган. Бу ишда ҳар бир фонеманинг якка (ундов сўз мақомида), сўз боши, ўртаси, охирида интенсификация/деинтенсификация (чўзиқлик-қисқалик, баландлик-пастлик каби) учраши ҳамда булар билан боғлиқ коннотатив маъноларни ўзбек, рус, инглиз тиллари мисолида кўриб чиқилган.

Ишда ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги [О, У,И, К,Л,М,Н, П,Р,С, Т,Ф,Х, Ч, Ш, Ў, Қ, Ғ, Х] ҳамда инглиз тилидаги [А, В,С,D, F,G, Н,Ј, К,Л,М,N,O, Р, Q,R,S,T, V] каби ҳарфлари орқали ифодаланган товушларнинг чўзиб ва кучли талаффуз қилиниши орқали интенсификация/деинтенсификация семантикасини воқелантириш имкониятлари очиб берилган ва тегишли мисоллар билан далиллаштирилган.

Сегмент бирликлар (нутқ товуши, бўғин, такт//синтагма каби) атрофида воқеланувчи фонетик воситалар суперсегмент ёки просодик бирликлар ҳисобланади. Буларга интонация, мелодика, тембр, урғу, темп, пауза каби фонетик ҳодисалар киради<sup>18</sup>. А.Ҳожиев ва Х. Жамолхонов ишларида овоз тони, ритм ва овознинг баланд пастлиги ҳам просодик воситалар сирасига киради<sup>19</sup>. Ушбу ўринда шу нарса кишининг диққатини ўзига тортадики, интонация, бир томондан, просодик бирликлар сирасига киритилади, иккинчи томондан, интонациянинг просодик восита (бирликлар) иштирокида ҳосил бўлиши айтилади. Бу ҳолат интонация тушунчасига ойдинлик киритишни талаб этади. Кўринишича, “интонация” атамаси кўп маъноли: у, бир томондан, сегмент бирликлар: нутқ товуши, бўғин, такт/синтагмаларнинг талаффуз оҳанги (интонацияси), иккинчи томондан, просодик ҳодисалар асосида ҳосил бўлган синтактик фразаларнинг умумий оҳанги (интонацион бирлик) сифатида қўлланади. Шунингдек, бўғин, синтагма кабиларнинг микроинтонациялари просодиканинг таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Кенг маънодаги (бирлик) мақомига эга бўлади ва ҳолатда просодик воситалар ва интонация орасида бутун-қисм муносабати мавжуд бўлади.

<sup>18</sup> Ғозиева М. Просодика. Тошкент: Akademyashr, 2019. – Б. 46.

<sup>19</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2012, - Б. 15; Жамолхонов Х. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2009, - Б. 170.

Диссертацияда просодик бирликлар ва улар асосида ташкил топган умумий интонацион бирликнинг тузилиши (қурилиши) интенсификация/деинтенсификацияга асосланганлиги ва улар шу асосда нутқда қўлланиши эътироф этилади. Хусусан, лексик ва жумла урғулари бўлган мантикий ва эмфатик урғулар ўзларининг ажратиш ёки маъно фарқлаш вазифаларини чўзиклик-қисқалик (квантатив урғу), кучли-кучсизлик, баландлик-пастлик (динамик, эмфатик урғу), юмшоклик-қаттиқлик (муסיкий ёки политоник урғу) каби турли интенсификация/деинтенсификация асосида бажаради. Интонациянинг муҳим компоненти бўлган мелодика (оҳангдорлик, оҳангнинг жилоланиши) паст тон, яъни дастлаб муайян сифат билан шаклланган паст овознинг турлича кўтарилиши-пасайиши асосида вужудга келган бўлиб, у (мелодика) дарак, сўрок, буйрук, хис-ҳаяжон гап турлари ва уларнинг ранг-баранг вариантлари интонацияларини ҳосил қилади; тембр овознинг жарангдорлиги, майинлиги бўлиб, унли товушлар асосидаги шаклланишида артикуляцион белги (резанатор, обертолар) нинг турли даражалардаги иштироки асосий ролни ўйнайди. Пауза нутқ товушининг тўхташи бўлиб, чўзиқ-қисқалик, давомийлик-давомсизлик асосида намоён бўлади; барча просодик воситаларни ўз ичига олувчи интонациянинг асосини ҳам текис, кўтарилувчи, пасаювчи каби фонетик интенсификация/деинтенсификация хос бўлиб, у шу асосда ўзининг синтактик, коммуникатив, эмоционал-экспрессив, эстетик функцияларини бажаради.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, барча суперсегмент (просодик) бирликларнинг тузилиши асосида фонетик интенсификация/деинтенсификация ётади. Ишда айниқса просодик ҳодиса бўлган урғунинг интенсификация/деинтенсификация табиатини очишга ва унинг турли тиллардаги воқеланиш хусусиятларига катта эътибор берилган.

Диссертациянинг учинчи боби *“Интенсификация/деинтенсификация семантикасининг луғавий сатҳ бирликлари ва уларнинг парадигмаларини шакллантириши”* деб номланиб, унда интенсификация/деинтенсификация семантикали лексемаларнинг тилнинг лексик сатҳида тутган ўрни, луғавий тизимда градуал синоним, антонимлар ва фразеологизмлар парадигмаларини шакллантириши масалалари тадқиқ этилган.

Дунёни диалектик билиш назарияси шуни эътироф этадики, табиат, жамият, тафаккурдаги барча нарса-ходисалар микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиб бориши қонунияти асосида вужудга келган. Тафаккур ва тил бирликлари ҳам ана шу жараён махсуллари тилнинг луғавий сатҳида намоён қилади. Масалан, дунёга келган гўдак (чақалок) тинимсиз ўзгариб, гўдакдан болага, боладан ўспиринга, ўспириндан йигитга, йигитдан чолга айланиб боради: *гўдак* → *бола* → *ўспирин* → *йигит* → *чол*. Кишилар ана шу, яъни бир-биридан ажралиб турувчи алоҳидаликларга уларнинг ўзларига хос

бўлган хусусиятлари (мазмунлари) асосида номлар (г+ў+д+а+к, б+о+л+а, ў+с+п+и+р+и+н, й+и+г+и+т, ч+о+л) берганлар ва шу асосда *гўдак, бола, ўспирин, йигит, чол* лексемаларини ҳосил қилганлар. Умуман, *гўдак, бола, ўспирин, йигит, чол* сўзлари парадигмаси ёш/йил (унга мос равишда биологик/психологик/логик/лингвистик) микдорнинг ошиб бориши ёки интенсификация ҳодисаси асосида вужудга келган.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ҳар бир миллий тилнинг лексик сатҳида муайян микдордаги интенсификация/деинтенсификация семантикали лексик бирликлар мавжуд. Буни ўзбек тили мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бизнинг энг сўнгги беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”<sup>20</sup> бўйича аниқлаган материалларимиз шуни кўрсатдики, унда от сўз туркумига оид интенсификация/деинтенсификация семантикали сўзлар: жами 250 та, шулардан 150 таси интенсив маъноли, 100 таси деинтенсив маъноли; сифат сўз туркумига оид сўзлар жами 600 та, шундан 500 таси интенсив маъноли, 100 таси деинтенсив маъноли, феъл сўз туркумига оид жами 300 та, шундан 220 таси интенсив маъноли, 80 таси деинтенсив маъноли, равишлар жами 150 та, 100 таси интенсив маъноли, 50 таси деинтенсив маъноли, олмошлар жами 15 та, сон жами 15 та, ундов сўзлар жами 20 та, таклид сўзлар жами 25 та, боғловчи, боғловчи ва юклама жами 15 тадир.

Кузатишларимиз шундан дарак берадики, интенсификация/деинтенсификация семантикали сўзлар микдоран кўп бўлиб, у ҳар бир сўз туркумининг семантик гуруҳларида учрайди. Хусусан, от туркумининг шахс (ўспирин, йигит, ака, ука; бакалавр, магистр; химоячи, ярим химоячи, ҳоким, президент, ...), ҳайвон (кўзи, кўй, бузоқ, сигир, той, от, кучук, ит ...), нарса-буюм (пиёла, коса, қошиқ, чўмич, халта, қоп, қанор, ...), ўрин-жой (ариқ, канал, дарё, ҳовуз, кўл, океан, маҳалла, шаҳар, вилоят, кулба, уй, сарой, ...), пайт (сония, дақиқа, соат, кун, ой, йил, аср, эра, сешанба, чоршанба, саҳар, эрталаб, туш ...), табиий ҳодисалар (шабада, шамол, бўрон, ёмғир, жала, чакмоқ, момоқалдирок ...) каби.

Объектив борликдаги микдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига айланиши ҳар бир миллий тилда акс этганлиги учун интенсификация/деинтенсификация семантикали лексемалар дунёнинг барча тилларида мавжуд. Масалан, инглиз тилининг лексикасига эътибор қаратсак, унда қуйидаги интенсификация/деинтенсификация семантикали лексемалар микропарадигмаларининг мавжудлигини кўрамиз: отлар: *supremacy, priority, superiority, highness, topness, greatness*; сифатлар: *absolute, extreme, super, dominant, prime, supreme, only, single, lonely*,

---

<sup>20</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2006. I жилд. – 680 б; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2006. II жилд. – 492 б; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2006. III жилд. – 688 б; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2008. IV жилд. – 608 б; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2008. V жилд. – 592 б.

*excessive, exclusive, supreme, extreme, superior, inseparable, heart-breaking, heart-melting, non-stop service, non-stop flight, non-segmental, overcoming, overwhelming* каби.

Интенсификация/деинтенсификация асосида градуал антонимлар парадигмалари ҳам шаклланади. Анъанавий ва ҳозирги тилшуносликда ҳам сўзларнинг антонимлиги улардаги маъноларнинг зидлиги (қарама-қаршилиги) асосида белгиланади. О.Бозоров ва М.Рахимовалар ўз тадқиқотларида бунга эътироз билдирадилар. Уларнинг фикрича, антонимларнинг аниқланиш меъзони зидлик эмас, балки фарқлилик бўлиши лозим. Акс ҳолда антонимия назариясида нотўлиқлик, чалкашлик вужудга келади<sup>21</sup>. Масалан, ҳозирги кунга қадар *бой – ўртаҳол – камбағал, кенжа – ўртанча – тўнғич* каби парадигмаларидаги чет аъзолар (камбағал – бой, кенжа – тўнғич) гина антоним ҳисобланиб келинмоқда. Шу қаторларнинг *бой – ўртаҳол, ўртаҳол – камбағал, кенжа – ўртанча, ўртанча – тўнғич* каби жуфтликлар орасидаги семантик муносабат тури аниқланмай қолмоқда. Уларнинг фикрича, бу қатордаги сўзларнинг барча жуфтликлари (*бой – ўртаҳол, ўртаҳол – камбағал, камбағал – бой, тўнғич – ўртанча, ўртанча – кенжа, кенжа – тўнғич*) орасида антонимик муносабат мавжуд. Ушбу антонимик муносабатлар сўзлар маънолари орасидаги зидлик билан эмас, балки градуал (даражали) фарқлилик билан аниқланиши лозим. Бунинг мантиқий асоси шундаки, зидият ва фарқлилик моҳиятан бошқа-бошқа нарса эмас, яъни зидлик фарқлиликнинг энг кучли ҳолатидир. Фарқлилик ва зидлик бир ҳодисанинг икки ҳолати сифатида айнанликка (бир хилликка) зид қўйилади. Биз ҳам бу фикрга қўшиламыз. Шундай қилиб, *бой – ўртаҳол – камбағал, тўнғич – ўртанча – кенжа* лексик парадигмалари орасида кучли антонимлик, қолган жуфтликлар (*бой – ўртаҳол, ўртаҳол – камбағал, тўнғич – ўртанча, ўртанча – кенжа*) орасида турли даражалардаги кучсиз антонимлик мавжуд. Кўринадики, анъанавий тилшунослик сўзлар антонимлигини нотўғри белгилаган эмас. У фақат кучли антонимликни қайд этиш билан чегараланиб қолган, холос. Биз ҳам лексик антонимнинг аниқланиш меъзонини зидлик эмас, балки фарқлилик эканлигини эътироф этганлигимиз учун тилшуносликда мавжуд бўлган лексик антонимияни мантиқий марказ асосида аниқлаш назариясига<sup>22</sup> қўшила олмаймыз.

Предмет билдирувчи градуал антонимларнинг алоҳида бир гуруҳини пайт билдирувчи сўзлар градуонимияси ташкил этади. Пайт билдирувчи отларнинг градуал антонимлар парадигмаси ўзининг мураккаб қурилишига эга. Сония (секунд), дақиқа (минут), соат, кун, тун, куну-тун (сутка), ой, йил, аср (юз йил),

<sup>21</sup> Бозоров О., Раҳимова М. Тили тадқиқ этиш: лингвоцентризм ва антропоцентризм // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Филология фанлари доктори, профессор А.Нурмонов хотирасига бағишлаб ўтказилган Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2018. – Б. 3-6.

<sup>22</sup> Раҳматуллаев Ш, Маматов Н, Шуқуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 231 б.

эра (минг йил) каби сўзларнинг ҳар бири ўз ичида ва бошқасига нисбатан градуал муносабатга эга. Бу сўзларнинг айримларидан ҳосил бўлган сутка қисмлари, ҳафта ва ой номлари, йил фаслларининг номлари ҳам ўз семантикалари орқали иккиламчи (ҳосила) градуал муносабатларни шакллантирган. Диссертацияда сифат, сон, феъл, равиш каби сўз туркумларида шаклланган градуал сўз (антонимларнинг) ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Интенсификация/деинтенсификация семантикаси тилдаги синонимлар ва уларнинг парадигмасини ҳосил қилишда фаол иштирок этади. А.Ҳожиев ўзининг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” да бундай интенсификация/деинтенсификация маъноларни кучли, кучсиз, тор, кенг каби компонентлар сифатида эътироф этади<sup>23</sup> ва шу асосда коннотатив градуал синоним қаторларни қайд этиб кўрсатган. Масалан, “ғам-алам ифода этувчи аянчли овоз” маъноси асосида: *нола – нолиши – оҳ – фижон – фарёд – зор – дод – афгон: оҳ, фижон, афгон* сўзларида белги даражаси *нола, дод* сўзларига қараганда кучлироқ. *фарёд* сўзида белги даражаси янада кучли.

Биз мазкур луғат материаллари асосида градуал синонимларнинг сўз туркумларининг қайси семантик гуруҳларида қандай коннотатив маънолар негизида шаклланганлигини аниқлашга ва ҳар бир градуал синонимнинг қатордаги ўрнини янада аниқроқ белгилашга ҳаракат қилдик.

Интенсификация/деинтенсификация синоним ва вариант фраземалар парадигмаларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, вариант ва синоним фраземалар, уларнинг парадигмалари сифат, равиш ва феъл туркумларининг микдор баҳо, феъл-атвор, кишининг фаол-нофаоллиги, кишининг биологик-физик, рухий ҳолати, ҳаракатнинг бажарилиш тарзи, пайти каби семантик гуруҳларда мавжуд: *бир оғиз-бир-икки оғиз-тўрт оғиз, бир чақалик-бир пуллик, бағри тош - юраги тош - кўнгли тош, бир пасда – кўз очиб юмгунча – кийрик қоққунча, от билан туяча-ер билан осмонча, кўзини шира босмоқ-кўзини ёғ босмоқ каби.*

Синонимик муносабат нафақат фразема ва фразема, балки лексема билан фразема орасида ҳам бўлиши мумкин. Бунда лексема маънони меъёрда, фразема эса муайян образ орқали кучли, ёрқин тарзда ифодалайди. Лексема ва фразема орасидаги синонимик муносабатга эга бўлган парадигма сифат, равиш ва феъл туркумларида учрайди: *хурсанд – оғзи қулоғида – ўз терисига сизмай кетмоқ – ўзини еттинчи осмонда ҳис қилмоқ, хафа – юрагига қил сизмайди, ҳушёр – ер тағида илон қимирласа биладиган, мард – юрагида ёли бор каби.* Лексема ва фразема синонимик парадигмалари муайян семантик гуруҳлар доирасида шаклланади.

---

<sup>23</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974, – 308 б.



Диссертациянинг тўртинчи боби “Интенсификация/деинтенсификация семантикасининг грамматик сатҳ бирликлари парадигмаларини шакллантириши” деб номланган бўлиб, унда интенсификация/деинтенсификация семантикасининг морфологик шакл, морфема, содда ва кўшма гап парадигмалари, период ва матнни шакллантириш имкониятлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, ҳар бир тилда сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффиксал морфемалар, шунингдек, ўзак морфеманинг такрор ва жуфт шакллари интенсификация/деинтенсификация семантикасини ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, инглиз тилида: 1) -un: *untiring, unprecedented, unlimited, uncurbed, unbridled*; 2) -in: *invincible, incurable, indivisible, invincible, incurable*; 3) -ly: *continuously, totally, completely, overwhelmingly, endlessly*; 4) -less: *fearless, heartless, endless, lifeless, reckless*; 5) -im: *immortal, immortality, immature*; 6) super-: *supersonic, superordinate, supernatural, superintendent, supersoldier*; 7) hyper-: *hyperphoneme, hyperconcept, hypercorrect*; 8) ultra- *ultraviolet*; 9) archi-: *archibishop, archiangel, archicomplex*; 10) extra-: *extraordinary, extralinguistic*; 11) all-: *all-might, all-mighty*; 12) ever-: *evergreen, ever-present, ever-frozen, ever-more-demanding*; 13) ear-: *ear-splitting, man-killing*; 14) war-: *war-stricken*; 15) poverty-: *poverty-stricken*; 16) never-: *neverending*; 17) non-: *non-grata, non-flying zone, non-stop service, non-stop train*; 18) no-: *no-load, no-go, no-go area, no-fly area*; 19) multi-: *multi-millionaire, multi-profile*; 20) high-: *high-pitched, high-power*; 21) sky-: *sky-high prices, sky-high wages, sky-rocketing*; 22) top-: *top-secret, top-ranked, top-ranking, top-rank*; 23) best-: *best-selling, best-looker, best-in-class, best-fit- extrapolation, best-case value*; 24) all-: *all-age mortality, all-around bending, all-around looking antenna, all-Russian; all-to-all*; 25) dead: *dead-beat, dead-burn, dead-end, dead-ripe*; 26) over-: *overripe, overactive, overambitious, overcareful, overripe*; 27) out-: *outswim, outfight, outrage*; 28) top-: *top-class, top-hole idea, top-of-the-line machine* ва ҳ.к.; ўзбек тилида: 1) бе-: *бемехр, беҳад, бераҳм, бекамикўст, беҳимор, беармон, бетиним, беташвиш*; 2) ба- *батамом, бақувват, баъмани*; 3) ма+с *толмас, ўлмас, чарчамас, қўрқмас, энгилмас, кайтмас, битмас-туганмас*; 4) -сиз: *саноқсиз, чексиз, чегарасиз, бошовсиз, қулоқсиз (бола), юзсиз, уятсиз, ҳавосиз, тилсиз, унсиз, тўхтовсиз, тинимсиз*; 5) -ларча: *минларча, миллионларча юзларча, минглаб, миллионлаб*; 6) – ма+й+диган: *бўлинмайдиган, бўйсунмайдиган, тугамай-диган, энгилмайдиган, қайтмайди-ган, тинчимайдиган, узулмайдиган*; 7) такрор шакл: *қўполдан-қўпол, қайсардан-қайсар, узундан узун*; 8) кўярда-: *қўярда-қўймас, борарда-бормас*; 9) -дай: *тоғдай, ойдай*; 10) –дек: *арслондек, тулкидек*; 11) –сиз+ларча: *қулоқсизларча, юзсизларча, ақлсиз-ларча, уятсизларча*; 12) -ғайри: *ғайритабиий, ғайритабиат*; 13) интенсив шакл: *кўм-кўк, қуп-қуруқ, яп-яланг, қип-қизил, қоп-қора*; 14) –ма (равиш ясовчи): *кўчама-кўча, далама-дала, боғма-боғ, тоғма-тоғ, ва ҳ.к.*; 15) жуфт шакл: *ёшу-қари, каттаю-кичик, дўсту-душман ва ҳ.к.*

Тилларда отларнинг сон категорияси асосида интенсификация/деинтенсификация семантикасининг даражаланиши ўзига хос хос равишда ифодаланади. Масалан, ўзбек тилида: *китоб* (бирлик) – *китоблар* (кўплик). Бу - лар аффиксининг маънолари жуда хилма хил бўлиб, у қуйидаги ҳолларда маънони кучайтириш учун хизмат қилади: 1) шахснинг ўзига ҳурмат маъноси кучайтирилади: *Ана бобомлар келяптилар*; 2) шахснинг ўзига ва унга тегишли нарсаларга бўлган ҳурмат маъноси кучайтирилади: *Мана бобомларнинг ҳассалари*; 3) шахс ва унинг атрофидаги бошқа шахсларга бўлган киноя доираси кучайтирилади: *Ахмадлар ҳам кўринмай кетди!*; 4) гумон ёки тахмин кучайтирилади: *Қўқонлар тинчликми, ука?* 5) нарса ва унинг атрофидаги бошқа нарсаларга урғу берилиб, уларнинг маънолари кучайтирилади: *Қатиқлар ҳам ачиб кетибди! Ёғлар ҳам тугабди*; 6) манзил маъноси кучайтирилади: *Бу Анваржонларникими?* 7) шахс ва унга тенглаштирилганларга киноя, қочирик маъноси кучайтирилади: *Сенлар хали кунингни кўрасан!* 8) нарса, шахсга бўлган таъкид кучайтирилади: *юракларим сиқилиб кетди, тилларинг кесилсин, бошларим ёрилай деяпти!* 9) предмет ва шахслар кучли муболағалаштирилади, бўрттирилади, урғу берилади: *Оналаринг нима ҳам қила оларди! Виждонларинг қурсин, сени!* 10) фараз, тахмин кучайтирилади: *Аллавақтларгача кўкка қараб термулиб ётдим* (Ғ.Ғулом).

Ўзбек тилида феълнинг маъноси *-ла-*, *кила-* қўшимчасини қўшиш орқали ҳам маъно кучайтирилади, ҳаракатнинг давомлилиги ифодаланади. Масалан: *чўқимоқ - чўқиламоқ, эзмоқ – эзгиламоқ; тепмоқ – тепкиламоқ.*

Тил бирликларининг меъёрдан қуйи ҳолатини инглиз тилида: *micro-, mini, sub-, -cub, tyny-, minute-, rare-, low-, under*; ўзбек тилида: *кам-, кичик-, -сиз* кабилар орқали ифодалаш мумкин.

Тилларда сифат, равиш ва сон каби сўз туркумларида маънони кучсизлантириш учун қўлланиладиган махсус морфемалар ҳам бор, лекин сифатларда сўз маъносини кучсизлантириш кўпроқ сифат даражалари билан ифодаланади. Масалан, инглиз тилида кучсизлантириладиган сифатга *-ish* суффикси қўшилиб, ўзбек тилидаги *-ши/-имтир*, рус тилида эса *-оватый* каби морфемаларига мос келади: *red* - қизил (красный) - *reddish* - қизғиш, қизғимтир, қрасноватый; *green* – яшил - зеленый - *greenish* - кўкиш/кўкимтир - зеленоватый; *yellow* - сариқ (желтый), *yellowish* – сарғимтир/сарғиш - желтоватый каби.

Синтактик номинатив бирлик бўлган сўз бирикмаси ҳам ўзининг интенсив-экспрессив шаклига эга. Масалан, менинг ўзим, сенинг ўзинг, унинг ўзи, *доноларнинг доноси, машҳурларнинг машҳури (лучший из лучших), a man of men, the Book of Books, a cake of cakes*. Шунингдек, ўзбек тилида сўрок-жавоб конструкцияларининг лексикализациясидан вужудга келган от суз туркуми билан ифодаланган такрорлар (синтактик таъкидлар ҳам) учрайди: *шаҳармисан шаҳар, одаммисан одам, қизмисан қиз, машинамисан машина* ва

х.к. Бу каби факат ўзбек тилига хос такрорларда нарса, қисм ёки яккаликнинг қиёссиз, таъкид йўли билан муайян белгининг энг кучли даражасига эгаллиги ифодаланади.

Интенсификация/деинтенсификация семантикаси содда, қўшма гапларнинг дарак, сўрок, буйрук, ундов каби турларида ўзига хос тарзда ифодаланади. Мулоқотда сўзловчи гаплар орқали қандай коммуникатив муддаони ифодалашга мойиллигидан келиб чиқиб, шунингдек қандай урғуни қайси бўлак ёки қайси (тема, рема) қисм олаётганлигига ва интонациянинг қайси (кўтарилувчи/пасаювчи) тури қўлланилаётганига қараб, барча лингвистик ва экстралингвистик омилларга таянган ҳолдагина уларнинг интенсификация/деинтенсификация семантикасини воқелантира олишлик имкониятларини яққол очиб бериш мумкинлиги эътироф этилган. Масалан, ўзбек тилида, қиёсланг: -*Ўтиринг. -Ўтиринг! -Ҳе, ўтиринг!?* Ушбу гапларнинг биринчисида эҳтирос сезилмаяпти, чунки у оддий буйрук гап. Кейинги икки ундов гапларда эҳтирос ва у билан бошқа маъно нозикликлари (буйрук, киноя, дўк-пўписа кабилар) ҳам ифодаланмоқда. Содда гапларда сўз тартиби, интонация, сўз урғусининг ёки мантиқий урғунинг тушишига, шунингдек қандай интенсификатор/деинтенсификаторлар қўлланилаётганига қараб мазкур семантикасини воқелантириш барча тилларга хос умумлисоний қонуниятдир. Ишда содда гаплар барча турларининг мазмунни кучайтира/сусайтира олиш имкониятлари ҳам очиб берилган ва тегишли мисоллар билан далилланган.

Тилларда интенсификация/деинтенсификация семантикасини воқелантиришда қўшма гапларнинг ўрни ўзгача бўлиб, мазкур семантика уларнинг қуйидаги турлари: боғловчилар, инверсия ва бошқа интенсификатор/деинтенсификаторлар орқали мукамал тарзда ифодаланиши аниқланди: 1) даража-микдор эргаш гапли тури: *Шамол зўрайиб, дарахтларни силқитган сари, барглари осмонга пириллатиб учирган сари биз севинамиз (О)*; 2) натижа эргаш гапли қўшма гаплар: *Кун шундай исидики, одамлар нафас ололмай қолди.* Ушбу бобда қўшма гапларнинг мураккаб тури бўлган *периоднинг* интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида шаклланиши очиб берилган. Ўзбек адабий тили (нутки)даги периодлар тилшунос олимлар А.Мамажонов ва М.Абдупаттоевлар томонидан чуқур ўрганилган бўлиб, уларнинг тавсиф ва таърифларига кўра, “периоднинг етакчи ташкил этувчилари кўтарилувчи/пасаювчи оҳанг мустақиллигига эга мураккаб, содда, қўшма гаплар ва матндан иборат”<sup>24</sup>. Масалан:

*Кийинтирсам сени баҳорга, Юлдузларни ўрасам қорга.*

*Олиб келиб олдинга қўйсам, То тонггача сўйласам эртақ.*

*Чечак териб этак ва этак, Оёгинга келтириб тўксам.*

<sup>24</sup> Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн назарияси. Фарғона, 2016, - Б. 21-57.

*Шунда сени кўнглинг тўлурми? Айтганларинг бажо бўлурми?  
(Ҳ.Олимжон)*

Мазкур периодда оҳанги кўтарилиб борувчи олти мисрада ирреал (ҳали амалга ошмаган) натижа, воқеа акс этади. Ушбу шеърни период қилувчи энг муҳим белги кўтарилувчи-пасаювчи интонация бўлиб, бу омил асосида шоир Ҳамид Олимжон бир мавзу, яъни севги, унинг мазмунига хизмат қилувчи гапларни яратиш, уларни тўққиз бўғинли мисрага жойлаш, мисра охирига қофиядош сўзларни *баҳорга/қорга, қўйсам/тўксам, эртак/этак, тўлурми/келурми* қўйиш, такрорланувчи тенг бўғинли туроқларни ҳосил қилиш, мисраларни уюштириш каби поэтик жараёнларни амалга ошириш орқали интенсификация/деинтенсификация семантикасини мохирона вокелантиришга муваффақ бўлган.

Матн ҳам интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида шаклланиши мумкин. Хусусан, лоф ана шундай матн турларидан биридир. Қуйидаги лоф матнда белгининг кучайиб бориши (климакс) иштирок этган:

Бир куни икки лофчи учрашиб қолишибди. Биринчи лофчи: *Раҳматлик отамнинг бўйи чунон узун эдики, боши осмонда юрарди.*

Иккинчи лофчи: *Умарали, ўшанда отангизнинг бошига бирор нарса тегиб турармикан?*

Биринчи лофчи: *Ҳа, тегиб турар экан,* - деса, иккинчи лофчи: *Ўша тегиб турган нарса, раҳматлик отам кийган тўнининг этаги эди.*

Бу лофда бир одам бўйининг иккинчи одам бўйидан анча узунлиги ҳақида гап кетяпти, яъни бу ерда интенсификация/деинтенсификация семантикаси вокелантириляпти. Яна бир мисол:

*Жаҳонга сизмасам, уйга сизмасам,*

*Қаёққа кетамиз, э дил, қаёққа.*

*На-да гул бўла олди, На ўт, на кесак*

*Қаёққа кетамиз, э дил қаёққа (Э.Шукур)*

Бунда деинтенсификация, яъни кенг ўриндан тор ўринга, юқори эстетик кийматдан салбий бўёққа бориш (гул → ўт → кесак) юз бермоқда. Булар шуни кўрсатадики, интенсификация/деинтенсификация бадий тасвир воситаларидан биридир.

Тадқиқотнинг бешинчи боби **“Лингвокультурологик бирликларда интенсификация/деинтенсификация семантикаси”** деб номланиб, унда антропоцентрик парадигмадаги концепт, лингвокультурологик концепт, ўхшатиш ва метафора, фразема ва мақол каби лингвокультурологик бирликлар - лингвокультуремаларнинг нинг интенсификация/деинтенсификацияни ифодалаш хусусиятлари очиб берилган.

Антропоцентрик тамойилга амал қилувчи когнитив тилшуносликнинг таянч атамаси концептдир. Концепт – мураккаб структурага эга бўлиб, ўзида

ижтимоий-психологик, этномаданий каби тушунчалардан ташқари мазкур маданиятга хос бўлган ассоциациялар, эмоция, баҳо, миллий образлар ва коннотацияларни ҳам қамраб олишлиги билан *фрейм, скрипт, сценарий, гештальт* каби тушунчалар билан уйқашиб кетади. Демак, концептлар концептуал билимлар тизимини ташкил этиб, инсон онгида дунёни тасаввур этиш имкониятини юзага чиқаради, лисоний белгилар - бирликлар эса концептларда акс этган борликни кодлаштирувчи, вербаллаштирувчи умум қабул қилинган махсус воситалар тизимидир<sup>25</sup>.

Биз ҳозирга қадар тилшуносликда мавжуд бўлган концепт ҳақидаги қарашларни ўрганиб чиқиб, уни (концептни) қуйидагича аниқлаймиз: “Когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти бўлган “концепт” онтологик жиҳатдан юксак умумлаштирувчилик ва тилнинг турли сатҳлари, воситалари орқали ифодаланиш имкониятларига эга бўлган, ҳар бир тилда ўзига хос семантик майдонни вужудга келтирадиган кенг қамровли тушунчадир”.

Лингвокультурологик ёндашув намояндалари “концепт” атамаси билан боғлиқ *лингвокультурема* тушунчасидан фойдаланадилар. Лингвокультурема денотатив ва коннотатив (маданий) маъноларни бир вақтнинг ўзида мужассамлантирган тил бирлигидир<sup>26</sup>. Айнан бир халқ маданияти ва тилигагина хос бўлган, масалан, ўзбек тилидаги “оксуяқлар, хўжалар, палов, атала, хатми, куёв қочди, куёв чикди”, рус тилидаги “борщ, щи, окрошка”, инглиз тилидаги “lord, commons, bluebottle” каби концептларни воқелантирувчи тил бирликлари, яъни реалемалар лингвокультуремаларга ёрқин мисол бўла олади.

Тадқиқотда интенсификация/деинтенсификация семантикасининг ўхшатиш ва метафора каби стилистик воситаларга хослиги бу воситаларнинг бошқа лексемалар билан интенсификация/деинтенсификация парадигма-ларини ҳосил қилиши аниқланган. Ўхшатиш ва метафоралар халқларнинг ўзига хос миллий тафаккур тарзининг акс эттирилиши маҳсули сифатида юзага келади. Масалан, ит (dog) лексемаси кўп халқлар тасаввурида содиқликни интенсив ифодалашнинг рамзи ҳисобланса, “fox” (тулки) зоосемизми айёрлик, муғомбирлик рамзи сифатида уларнинг онгида муҳрланиб қолган. Ишда “camel” (туя), “sheep” (қўй), “elephant” (фил), куён (заец) каби зоосемизмлар ҳам турли халқлар маданиятида ва тилида ўзига хос интенсификация/деинтенсификация семантикасига эгаллиги мисоллар орқали очиб берилган.

<sup>25</sup> Шведова Н.Ю. Избранные работы. – М., 2005. – С. 603.

<sup>26</sup> Воробьев В.В. Лингвокультурологическая парадигма личности. – М., Рос. Ун – т. Дружбы Народов, 1996. – С. 23 - 45.

Инсоннинг ташқи кўриниши чиройлилигини кучайтириб, метафоралар орқали ифодалашда осмон жисмларидан *sun* – қуёш, *star* – юлдуз лексемаларидан фойдаланилади. Масалан: 1. *But, soft! ...and Juliet is the Sun!* (*Джульета – қуёш*) (Shakespeare W. *Romeo and Juliet*. P. 57). 2. *Your eyes are lodestars* (*Сенинг кўзларинг юлдуздай порлайди*). Инглиз тилидан фарқли ўларок, ўзбек тилида “қуёш” ва “юлдуз” лексемалари метафорик иборалар таркибида қўлланганда гўзаллик янада кучайтирилади: *Умид... рўпарасидаги юлдузи иссиқ қиздан асло кўз узмасди.* (Мирмухсин. Умид). Инглиз тилида *moon* (ой) лексемаси салбий бўёққа эга бўлиб, бундан фарқли равишда, ўзбек тилидаги “ой” лексемаси ижобий маъно ифодалайди. Бу лексема нафақат ўзбек тилида, балки, шарқ маданиятида гўзаллик рамзи ҳисобланади ва у аёллар юзининг чиройлилигини кучли ифода этишга хизмат қилади: *Ой юзинг қаро чиммат зулмидан қутултиргил...* (Ҳ. Ҳ. Ниёзий). Ишда кабутар (*dove*), тўрғай (*lark*), ўрдак (*duck*), ғоз (*goose*), капалак (*butterfly*) каби зооморфик метафораларнинг ўзига хос интенсификация/деинтенсификация семантикаси билан боғлиқ хусусиятлари очиб берилган.

Инглиз тилида аёллар тана аъзоларининг чиройлилигини янада кучайтириб ифодалашда “*lily* (лилия гули), “*cedar*”- (кедр дарахти), “*ebony*” (эбони дарахти) каби флоризмлар қўлланилади: *She locks her lily fingers one on one* (W.Shakespeare); *as stright as the cedar* (кедр дарахтидек тик, тўғри). Бошқа тилларда, масалан, ўзбек тилида аёллар лабининг чиройлилигини кучайтириб ифодалашда гулнинг ғунчасига, қадди-коматининг тиклиги, чиройлилигини *сарв* ёки *шамшод* дарахтига, сочларининг чиройлилиги эса сунбул гулига ўхшатилади: *Юзи гул, сарви қомат, сочи сунбул, кўзи нарғис каби мастона, бир кел* (Ҳ.Ҳ. Ниёзий); В.Шекспир аёлларнинг лабини чиройлилигини кучайтириб ифодалашда уни олчага қиёслайди: *Thy lips, those kissing cherries temping grow* (W.Shakespeare). Ўзбек халқида эса гулнинг ғунчасига қиёсланади: *Қалбимга оташ солган, гунча лаб, ширин сўзинг* (М.Жабборов).

Таъкидлаш лозимки, тилларда интенсификация/деинтенсификация семантикаси муайян воқеликни образли равишда ифодаловчи фразеологик бирликлар парадигмасини шакллантиришга ҳам когнитив асос бўлиб хизмат қилади. Фразеологик бирликларда жамиятдаги турли муносабатлар, ҳодиса ва ҳолатларни тушунарлироқ, таъсирчанроқ ва ойдинроқ (кучайтириб ёки кучсизлантириб) ифодалаш мақсадида ҳайвонлар ва ўсимликлар, қушлар образидан фойдаланилади. Ана шуларнинг ҳар бирини тимсол қилиб олиб, улар воситасида муайян ижобий ва салбий сифатларга эга бўлган кишиларнинг образи кучайтирилган/сусайтирилган шаклда гавдаланти-рилади. Масалан, бирор иш-ҳаракатни “меъёрдан тез” бажарилганлик ҳолатини кучайтириб

ифодалашда ўзбеклар: *Кўз очиб юмгунча, киприк қоққунча ёки “Кампир шафтоли егунча”* ибораларидан фойдаланса, рус тилида: *“He успел глазом моргнуть”* иборалари қўлланилади, инглизлар: *Before the ink is dry (сиёҳ қуругунча) ёки Before you can say John Robinson (Жон Робинсон деб айтгунча)* иборалари орқали ифодалайдилар.

Бу борада фразеолог олим М. Умархўжаев тўғри таъкидлаганидек, муайян маъно турларини кучайтириб ифодалаш турли тилларда турлича фразеологик воситалар ва образлар орқали амалга оширилиши мумкин<sup>27</sup>. Масалан, “ишнинг кўзини жуда яхши билиш” ҳолатини кучайтириб ифодалашда турли халқлар турлича иборалардан фойдаланганлигини кўриш мумкин. Масалан, ўзбеклар: бир кесак билан икки қарғани урмоқ ёки *бир ўқ билан икки қуённи урмоқ* иборасини қўлласа, рус тилида: *одним выстрелом убить двух зайцев*; немис тилида: *beide Fliegen mit einer Klappe schlagen* (икки пашшани бир пашшакуш билан ўлдирмоқ); *инглиз тилида: to kill two birds with one stone* (бир тош билан икки қушни ўлдирмоқ); Ўзбек тилидаги “*қовун тушурмоқ, тўннини тесқари қиймоқ, томдан тараша тушгандай*” каби иборалар фақат ўзбек халқи маданиятигагина хос эканлигини қайд этиш мумкин.

Фразеологизмлар воситасида яратилган оламнинг лисоний манзарасининг таҳлилида, уларнинг антропоцентрик хусусиятларини кучайтириб/сусайтириб ёки кўпайтириб/озайтириб воқелантиришда тиллардаги *компаратив фразеологик бирликлар* ҳам муҳим лингвокультурологик воситалар бўлиб саналадилар. Тадқиқот жараёнида компаратив фразеологик бирликларни 6 та асосий гуруҳга ажратиб таснифлаштирадик: 1) инсон ва предметларнинг физик тавсифини ифодаловчи, ўзбек тилида (*оғзига сув солгандек (талқон солгандек ёки мум тишландай)*), рус тилида *нем как рыба*, инглиз тилида *as dumb as a fish*; 2) инсонларнинг ақлий имкониятлари ва фазилатларини ифодаловчи (ўзбек тилида *ғоздай мағрур*, рус тилида *гордый как осел*; инглиз тилида *as proud as a peacock* (товусдек мағрур) каби.

Тилларда ҳар бир мақол ва маталда мазкур халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, удумлари ва миллий тафаккури ўз аксини топади ва уларда ўзига хос интенсификация/деинтенсификация семантикаси мавжуд бўлади. Масалан, “эҳтиёткор бўлиш” ҳолатини кучайтириб ифодалашда ўзбеклар: *Етти ўлчаб бир кес* мақолини қўлласа, мазкур ҳолатни рус тилида ҳам: *Семь раз отмерь, один раз отреж*, инглиз тилида эса: *Measure ten times, but cut once* тарзида берилади.

---

<sup>27</sup> Умархўжаев М. Тил уммониға қўшилган томчи. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 64.

Шундай қилиб, тил бирлиги, шу жумладан сўз маъносини кучайтириб ёки сусайтириб ифодалашда ҳайвонлар, ўсимликлар, осмон жисмлари, ранглар орқали ифодаланган ўхшатиш ва метафоралардан турли халқлар турлича фойдаланадилар. Тиллардаги ўхшашликлар мазкур халқларнинг моддий борлиқдаги нарсаларни тилда инъикос эттиришида ягона мантиққа эга эканлигини кўрсатса, улардаги фарқлиқлар эса мазкур халқларнинг дунёқарашида, менталитетидаги, тафаккурдаги фарқларга, айтиш ҳолат мазкур халққагина, унинг маданияти ва тилига хос эканлигидан далолат беради.

## ХУЛОСА

1. Интенсификация/деинтенсификация категорияси бутун олам нарсаларнинг ҳосил бўлиш асоси бўлган миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши қонуний тилдаги шаклидир. Унга кўра лисоний белгининг кучайиши/сусайиши ёки ожайиши/кўпайиши натижасида тил бирликлари ва уларнинг шакллари парадигмалари вужудга келган. Интенсификация/деинтенсификация тилнинг барча сатҳларида мавжуд.

2. Сифат, миқдор, меъёр ўзгарувчанлик категориялари асосида шаклланувчи интенсификация/деинтенсификация ҳодисаси баҳо, эмоционаллик, образлиқ, таъкидлаш, экспрессивлик каби субъектив-прагматик категориялар билан узвий боғлиқ бўлиб, улар таркибида ва асосида воқеланиш имкониятига эга.

3. Интенсификация/деинтенсификация категорияси лингвоцентриқ тилшуносликда тил системаси асосида ўрганилган бўлса, антропоцентриқ тилшуносликда сўзловчи/тингловчи эҳтиёжлари, нутқ шароити каби экстралингвистик омиллар асосида тадқиқ этилади.

4. Фонетик сатҳда артикуляция ўрни, усули, акустик белгиларнинг торлиқ-кенглик, олд-орқалиқ, чўзиқлик-қисқалиқ, қаттиқлик-юмшоқлик, очиклик-ёпиқлик каби интенсификация/деинтенсификациялар асосида фонеманинг монофтонг, дифтонг, трифтонг каби турлари ва уларнинг парадигмалари шаклланган. Фонемаларнинг нутқдаги фонетик-фонологик вариантлари коннотатив маъноларни ифодалашга хосланган.

5. Сегмент бирлик бўлган бўғиннинг акустик асосини кучли айтилиш (ядро) ва кучсиз айтилиш (периферия) ташкил этади. Суперсегмент (просодик) ҳодиса ҳисобланувчи динамик, квантитатив, политоник урғулар ўзларининг ажратиш вазифасини қисқалиқ-чўзиқлик, кучлилик (баландлик) - кучсизлик (пастлик), қаттиқлик-юмшоқлик, кўтарилиш-пасайиш каби интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида амалга оширади. Логик, эмфатик урғулар гапнинг коммуникатив вариантлари парадигмалари (тема-рема, эмоционал, эмоционал бўлмаган кабилар) ни ҳосил қилади. Гап ўзининг коммуникатив,



экспрессив-эстетик вазифаларини интонациясининг ранг-баранг интенсификация/деинтенсификация семантикаси асосида амалга оширади.

6. Луғавий сатҳда муайян семалар интенсификация/деинтенсификацияси асосида лексема, фраземаларнинг градуал антоним ва синонимлари вужудга келади. Градуаллик лексема ва фразама муносабатида ҳам мавжуд.

7. Морфологик сатҳда интенсификация/деинтенсификация ходисаси отларнинг сон, кичрайтириш, суюш-эркалаш, ўхшатиш, чегара, сифатларнинг даража, соннинг жамловчи, феълнинг модал (давомли-давомсизлик), нисбат шаклларида мавжуд. Сўз бирикмаси ва содда гап ўз мазмунларида интенсификация/деинтенсификация семантикасига эга. Интенсификация/деинтенсификация семантикаси сўз бирикмасининг таъкид конструкцияларини ҳосил қилади. Содда гапда ҳам шаклий (ифодавий), ҳам мазмуний интенсификация/деинтенсификация мавжуд. Интенсификация/деинтенсификация содда гапнинг коммуникатив, эмоционал-экспрессив, тема-рематик (актуал бўлиниш) турларини ҳам шакллантиради.

8. Содда ва кўшма гап оралиғида турувчи мураккаб содда гапнинг кириш, киритма, ажратилган бўлак ва ундалмали турларининг шаклланишида синтактик интонациянинг турли интенсификация/деинтенсификация *воситалари* иштирок этади.

9. Боғланган кўшма гап ва эргаш гапли кўшма гапларга синоним бўлган боғловчисиз кўшма гап қисмларининг боғланиши ва мазмун турларини ифодалашда интенсификация/деинтенсификация муҳим рол ўйнайди. Эргаш гапли кўшма гап ифодалаган воқеликдаги интенсивлик (меъёрдан ортик даражалардаги кучлилиқ, шиддатлилиқ) гапнинг ифода томони интенсификация/деинтенсификациясини келтириб чиқаради. Предикатив қисмларининг инверсияси асосида шаклланган ҳавола бўлакли эргаш гапли кўшма гапнинг бош гапи кучли интонацияга, интенсивлик-экспрессивликка эга бўлади.

10. Синтактик интонациянинг кўтарилиувчи-пасаювчи/пасаювчи-кўтарилиувчи турлари интенсификация/ деинтенсификация семантикаси асосида нутқнинг маҳсус шакли бўлган период ҳам шаклланади. Белгининг меъёрдан ёки муайян ҳолатдан оширилиши/камайтирилиши асосида халқ оғзаки ижодининг матн тури (жанри) лоф вужудга келади.

11. Антропоцентриқ парадигмага алоқадор бўлган лингвокультурологик бирликларнинг интенсификация/деинтенсификация семантикасини белгилашда муайян халқнинг яшаш шароити, турмуш тарзи, маданияти ва булар билан боғлиқ атов (номинатив) тизими каби омиллар, миллий-маданий образлар, иборалар, коннотатив семалар ҳисобга олинади.

12. Ҳар бир миллий тилда мавжуд бўлган ўхшатиш конструкция (компаратив фразеологизмлар)да бир предметнинг муайян белгиси бошқа бир предметнинг худди шундай белгисига нисбатланади, ўхшатилади ва шу асосда белги (кишининг тафаккур, феъл-атвор, руҳий ҳолати, нарсанинг физик ҳолати, ранги, маъза-таъми кабилар) кучайтирилади.

13. Тилда образли (рамзий) метафора мавжуд бўлиб, уннинг воқелантирилишида зоосемизм, флоризм, афсонавий нарса-ходисалар, осмон жисмлари кабилардан фойдаланилади ва улар қиёслаш-ўхшатиш асосида белги кучайтиришга хизмат қилади. Сўзнинг метафорик семантикасида ҳам бир предмет белгисининг бошқа бир предмет белгисига ўхшатилиши асосида унинг хусусиятида (белги) кучайтириш юз беради.

14. Мақол ва маталлар ҳар бир халқнинг лингвомаданий бойлиги бўлиб, унда ҳаётнинг турли соҳаларидаги тажриба натижалари очиқ-ойдин, образли, лўнда таъсирчан шаклда ўз ифодасини топган. Шунинг учун мақол ва маталлар муайян мазмунни унинг одатдаги сўзлар билан тавсифланган вариантга нисбатан интензив-экспрессив шаклда ифодалаш имкониятига эга.

15. Диалектиканинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши қонуни методологияси асосида олиб борилган ушбу тадқиқот келгусида миллий тиллар тизимининг шаклланиш муаммоси устида иш олиб борувчи тадқиқотчилар учун муҳим назарий манба бўлади ва тил назариясининг янада ривожланиши учун хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/30.12.2019. FIL.05.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ  
ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

---

**ЗИЯЕВ АВАЗ ИХТИЁРОВИЧ**

**ОБРАЗОВАНИЕ ПАРАДИГМ ЯЗЫКОВЫХ ЕДИНИЦ И ФОРМ НА  
ОСНОВЕ СЕМАНТИКИ ИНТЕНСИФИКАЦИИ/ ДЕИНТЕНСИФИКАЦИИ  
В ЯЗЫКЕ**

**10.00.11 – Теория языка. Прикладная и компьютерная лингвистика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc)  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Фергана –2020**

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В20202.DSc/Fil197

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, английском и русском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz)

Научный руководитель:	Хошимов Ганижон Мирзаахмедович доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Улуков Носиржон Мамадалиевич доктор филологических наук, профессор, Мухаммедова Саодат Худойбердиевна доктор филологических наук Хайруллаев Хуршид Зайниевич доктор филологических наук
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится «25» 09 2010 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.Fil.05.02 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел: 0-373 244-44-02; e-mail: fardu\_info@umail.uz)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована за № 32). Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел: (373) 244-44-02; e-mail: fardu\_info@umail.uz


Автореферат диссертации разослан «11» 09 2010 года

(Реестр протокол рассылки № 14 от «11» 09 2010 года)



  
А. Косимов  
председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,  
д. филол. н., профессор

  
И. Хожалиев  
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,  
к. филол. н.

  
А. Мажазонов  
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д. филол. н., профессор

## **Введение (аннотация докторской диссертации (DSc))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мировой лингвистике проблема формирования языковых единиц и форм изучалась в таких областях, как сравнительно-историческая, лингвосомиотическая, генеративная, трансформационная, деривационная лингвистика, а также в области формирования новых языковых единиц и парадигм в результате перехода количественных изменений языка в качественные. В связи с этим большое теоретическое и практическое значение имеет изучение количественных изменений в языковых единицах, приводящих к качественным изменениям.

Семантические, структурные, функциональные особенности средств категории интенсификации/деинтенсификации в мировой лингвистике в некоторой степени изучены. Онтологическая природа этой категории, ее отношение к количественным и качественным категориям, степень интенсификации/деинтенсификации количеств в синкретическом состоянии, существование иерархических семантических единиц на разных лингвистических уровнях и их парадигматических, синтагматических, иерархических свойств и отношений, интенсификация/деинтенсификация сосредотачиваются на таких вопросах, как полевая организация семантических единиц. Антропоцентрическая лингвистика, которая начала формироваться в основе лингвоцентрической лингвистики во второй половине XX - века и теперь занимает лидирующие позиции и в настоящее время фокусируется на связи экстралингвистических факторов (таких как говорящий/слушающий, условия речи) с языком. В результате возникают вопросы интенсификации/деинтенсификации, необходимости и способов возникновения семантических единиц, в связи с чем они имеют такую многоуровневую систему и коммуникативные потребности семантических единиц интенсификации/деинтенсификации, предназначенных для использования. Эти важные вопросы связаны с проблемой семантики интенсификации/деинтенсификации языковых единиц и способов формирования их парадигм. Особенность настоящего диссертационного исследования заключается в решении этой важной проблемы.

В узбекском языкознании целенаправленно используется методология закона трансформации диалектической философии образования объективных и субъективных мировых объектов (явлений) в качественные изменения, и на этой основе обеспечивается справедливость лингвистической теории. Изучение феномена интенсификации/деинтенсификации и его лингвокогнитивных особенностей на всех уровнях национальных языков, всестороннее и глубокое знание возможностей формирования лингвистических парадигм этого явления диктует необходимость их исследования не только в узбекском языкознании, но и мировой лингвистике.

Таким образом, настоящая диссертация посвящена исследованию системы средств фонологического, морфологического, лексического, синтаксического, фразеологического и текстологического уровней языковой иерархии, вербализирующих семантику интенсификации/деинтенсификации, которая по своей природе универсальна, так как она коммуникативно востребована, и как категория она четко отличается от близких или смежных явлений по своим лингвокогнитивным, лингвокультурологическим и лингвостилистическим показателям.

Настоящая диссертация в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указах<sup>28</sup> Президента Республики Узбекистан УП № 4797 от 13 мая 2016 года “Об организации деятельности Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои”, УП № 4958 от 16 февраля 2017 года «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП № 2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», ПП № 2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», ПП-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников», ПП № 4358 от 17 июня 2019 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы подготовки высококвалифицированных кадров и научного потенциала Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека в 2019-2023 годах», Новая редакция закона Республики Узбекистан от 21 декабря 1995 года “О государственном языке”, Постановление Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2019 года “О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка”, а также в других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан 1. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном развитии информатизированного общества и демократического государства и пути их реализации».

---

<sup>28</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил 18 февраль № 28 (6722).

**Обзор зарубежных исследований по теме диссертации<sup>29</sup>.** Исследования в области теории языка, прикладной и компьютерной лингвистики проводятся ведущими мировыми исследовательскими центрами и высшими учебными заведениями, в том числе, Московским государственным университетом, Российским государственным педагогическим университетом (Россия), исследовательскими институтами (ИПИ, ИППИ, ВЦ, МГУ) и Российскими вузами, институтом лингвистики. Исследования ведут также крупные ИТ-компании (АВВУУ, Яндекс), Оксфордский справочник по компьютерной лингвистике, Ассоциация компьютерной лингвистики (Прага), Кембриджский университет (Великобритания), Оксфордский университет (Великобритания), Шанхайский университет (Китай), Университет Гумбольдта (Германия), Чикагский университет (США), Университет Цукуба (Япония), Московский государственный институт лингвистики, Воронежский государственный университет (Россия).

Исследования языковых единиц, вербализующих семантику интенсификации/деинтенсификации, были проведены ведущими исследовательскими центрами и высшими учебными заведениями по всему миру, включая Оксфордский университет (Великобритания), Кембриджский университет (Великобритания), Лондонский университет (Великобритания), Университет Ньюкасла (Великобритания), Университет Эссекса (Великобритания), Университет Калифорнии (США), Университет Аризоны (США), Государственный университет Нью-Йорка в Стоун-Брук (США), Университет Торонто (Канада), Варшавский университет (Польша), Гамбургский университет (Германия), Московский государственный университет (Россия), Московский государственный лингвистический университет (Россия), Институт языкознания Российской академии наук (Россия), Санкт-Петербургский университет (Россия). Исследование ведётся в высших учебных заведениях и исследовательских центрах, таких как Национальный университет Узбекистана, Узбекский государственный университет мировых языков, Самаркандский государственный институт иностранных языков. Государственный университет Монтклер (США), Центр общего языкознания, типологии и универсальных исследований (Великобритания), Бостонский университет (Великобритания), Курский государственный университет (Россия), а также проблемы с категорией интенсификации/ деинтенсификации и ее лингвокультурологическими особенностями. Исследования ведутся в Государственном университете Пенсильвании (США) и Московском государственном университете (Россия). В области когнитивной лингвистики исследование концептуальной активности

---

